



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 16 - Iyvar

700 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Отажонов Сададдин
Машариповичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Сададдин Машариповичнинг “Дехқонобод” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 22 декабрдаги ШЯ-О-3579-сонли аризасини, “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 18 сентябрдаги 3280-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида жойлашган **литер 0001 турар жой биноси 7** (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 77,40 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 66,19 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 143,59 квадрат метр, қурилиш ости майдони 197,67 квадрат метр, **литер 0002 турар жой биноси 8** (саккиз) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 57,37 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 53,20 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 110,57 квадрат метр, қурилиш ости майдони 197,67 квадрат метр, умумий ер майдони 1316,7 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Отажонов Сададдин Машариповичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Отажонов Сададдин Машариповичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки

бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Отажонов Сададдин Машариповичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев